

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУРАДОВ ОЛМОСБЕК ЭЛАМАНОВИЧ

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctoral of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Эшмурадов Олмосбек Эламанович

Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик
омиллари.....3

Эшмурадов Олмосбек Эламанович

Социально-психологические факторы стабильности семьи.....25

Eshmuradov Olmosbek Elamanovich

Socio-psychological factors of family stability.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУРАДОВ ОЛМОСБЕК ЭЛАМАНОВИЧ

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/P122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Самаров Рустам Самаридинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Файзиева Мавлуда Худаяровна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, психология фанлари
доктори, доцент

Н.А.Атабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, психология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

З.Т.Нишанова

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, психология фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда оилани мустаҳкамлаш долзарб муаммо бўлиб, оиланинг дунё миқёсида аналоги йўқ, беқиёс ва боқий ижтимоий тузилма эканлиги¹ эътироф этилишига қарамай, турли мамлакатларида оиланинг барбод бўлиши ҳолатларининг қайд этилиш даражаси ортиб бораётган шароитда, оилавий ажримларнинг кўпайиб бораётганлиги, оилаларда носоғлом муҳитнинг ҳукм суриши ва никоҳнинг барбод бўлиши - кўплаб ички руҳий сиқилишлар, зиддиятлар, салбий оқибатларни келтириб чиқараётганлиги оила мустаҳкамлигини таъминлаш муаммосини тадқиқ этиш зарур эканлигини кўрсатиб бермоқда. Оиланинг жамият фаровонлигига олиб борувчи соғлом оила, замонавий оила, намунали оила, ибратли оила моделлари амалиётда татбиқ этилишига эришиш учун эса оила институтини мустаҳкамлаш ишига алоҳида амалий, инновацион ҳамда янгича ёндашув орқали ечимларини топиш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида оила институтини мустаҳкамлашда эр-хотиннинг оиладаги маънавий, аёлларнинг оиладаги ўрни, эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши, ҳиссий яқинлиги ва шахслараро муносабатларининг оилавий муносабатлар мустаҳкамлигига таъсир даражасини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларидан оилавий муносабатлар психологияси, оила кадриятлари, оила қуриш мотивининг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оиланинг барбод бўлиши ҳолатларининг қайд этилиш даражаси ортиб бораётган шароитда оила институтини мустаҳкамлаш ишига алоҳида илмий, амалий, инновацион ҳамда янгича ёндашув орқали ечимларини топиш масалалари даврнинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда оила институтини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом муҳитни яратиш, оила фаровонлигига эришиш, оила қурадиган ёшларни оила кадриятларига муносабатларини адекват шакллантириш орқали оила муносабатларини барқарорлаштиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, зарур меъёрий асослари яратилди. «...Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш,... жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш... оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила - соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш»² концептуал ғояси негизида оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланганлиги, уларни амалга оширишда мазкур мавзуга йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишга етарли асос бўла олади.

¹ <http://rpsc-samara.narod.ru/schoolpsyh.html>

² 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 5938-сонли Президент Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада оила ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни ўзбек олимларидан Ф.А.Акрамова, Р.Абдуллаева, Ҳ.Абдусаматов, Р.Душанов, В.М.Каримова, Х.К.Каримов, А.Э.Кадилова, Н.Х.Лутфуллаева, Г.Ниязметова, З.А.Расулова, Ф.Рўзиқулов, Р.С.Самаров, У.С.Сарибаева, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров, Э.Ш.Усманов, М.Утепбергенов, М.Х.Файзиева, Ғ.Б.Шоумаров, У.Д.Қодиров, Г.Х.Юнусова, Г.Т.Ядгарова ва бошқалар тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан А.Н.Антонов, Т.В.Андреева, С.И.Голод, С.Ковалев, Н.В.Малярова, К.Миханович, Н.Н.Обозев, В.Е.Семенов, В.В.Солодников, Л.В.Толстова, Э.Г.Тийд, В.Н.Уколова, А.Г.Харчев ва бошқаларнинг ишларида оила ва оилавий муносабатлар психологияси, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари каби муаммолар илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан J.Lofas, L.B.Schneider, S.D.Kratochvil, G.E.Craig, M.M.Sweeney, M.Campbell, K.M.Schafer, L.Bumpass, J.Quaet, T.C.Martin, R.C.Bean, D.E.Delis, E.T.Burgess, P.D.Wollin, L.G.Terman, M.Odema, G.Roland, T.Parsons, C.Rogers ва бошқалар оила ва оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг «Таълим-тарбия жараёнларида Шарқ педагогикасидан фойдаланиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ қилиш ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оила мустаҳкамлигини таъминлашга таъсир этувчи ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик омилларини, эмоционал муносабатлардаги симпатия хиссини кучайиши асосида барқарорлашувига мувофиқ, никоҳга психологик етуклик даражасини ва оилаларнинг уюшганлик, эгилувчанлик даражасини, оилаларнинг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

оила мустаҳкамлигида ота-оналар ва ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, оила аъзоларининг эркак мавқеи ҳақидаги тасаввурлари ота-она ва фарзандларнинг бир-бирларини ўзаро қўллаб қувватлаши ва оилавий муносабатларнинг таъсирини эмпирик тадқиқ қилиш;

оила мустаҳкамлигини таъминлашда оилавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, эр-хотиннинг ижтимоий мавқеи, уларнинг дунёқараши бирлиги таъсирининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ёшларнинг оила қуриш мотивларининг оила мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари танланган бўлиб, турли ёш давридаги оилалар $n=170$ нафар, соғлом психологик муҳитли оилалар $n=160$ нафар, носоғлом психологик муҳитли оилалар $n=130$ оилаларда тарбияланаётган ўсмирлик ва ўспиринлик ёши давридаги йигит-қизлар иштирок этдилар, респондентларнинг умумий сони 460 нафарни ташкил этган.

Тадқиқот предметини оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик, оилавий ҳаёт ва муносабатлар ҳақидаги тасаввурларнинг психологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот методлари: Э.Эйдемиллер, И.Добряков ва И.Никольскаяларнинг «Оилавий муносабатларнинг эгилувчанлиги ва уюшганлигини диагностика қилиш» (FACES III) методикаси; Д.Краун ва Д.Марлоуларнинг «Қўллаб-қувватланишга нисбатан мотивацияни ўрганиш» методикаси; Рокичнинг «Қадриятлар ориентацияси» тести; С.И.Голоднинг «Никоҳ қуриш мотивлари» сўровномаси, махсус ишлаб чиқилган «Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг маънавий-маърифий имкониятлари» ижтимоий-психологик сўровномаси ва математик статистика методларидан (фоизли таҳлил, Студентнинг t-мезони, Манн-Уитни U-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти) дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оила мустаҳкамлигини таъминлашда шахснинг янги ижтимоий муҳитга мослашиши билан боғлиқ ролларга идентификациясини эмоционал муносабатлардаги симпатия хиссини кучайиши асосида барқарорлашувига мувофиқ, никоҳга психологик етуклик даражасини белгиловчи ижтимоий-психологик омилларнинг ўрни муҳим эканлиги далилланган;

оила мустаҳкамлигини таъминлашга оилаларнинг уюшганлик ва шахслараро муносабатларнинг эгилувчанлик даражасини таъсири натижасида шахсдаги «идеал мен» ва «реал мен» ўртасидаги мутаносибликнинг эмоционал

муносабатлар орқали интегратив намоён бўлишига кўра, ёш эр-хотинларда рашк ҳиссининг юқори даражада ифодаланиши далилланган;

оилавий кадриятларнинг оила мустаҳкамлигини таъминлашга бевосита таъсири натижасида эр-хотиннинг ўзаро муносабатларидаги кадриятлар трансформациясини ижтимоий фаоллик даражасини ортишига адаптив интеграциясига мувофиқ, эр-хотин дунёқарашининг бирлиги (қарашлар, фикрлар, қизиқишлар, идеаллар, кадриятлар йўналиши) ижтимоий-этник асоси эканлиги далилланган;

оила қуриш мотивларининг дифференциал намоён бўлишига кўра, оилада ота-она ва болаларнинг ижтимоий психологик мавқелари ва уюшганлик даражасини оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларини реалликка яқинлаштириш орқали ошириш, эр-хотин мақомининг тўғри англанилишига олиб келишига асосланиб, ижтимоий фаоллик хусусиятларининг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрни далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган натижалар ва илгари сурилган илмий хулосалар оила мустаҳкамлигига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни ўрганиш ва оила мустаҳкамлигини, тотувлигини таъминлаш бўйича муайян ёндашувларни яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади;

олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда, низоли оилалар билан ишлашда, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассислари фаолиятларида фойдаланиш мумкин;

натижалар ва амалий тавсиялардан оммавий ахборот воситаларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш муаммоси бўйича махсус кўрсатувлар, рукнлар ташкил этишга ва уларнинг таъсирчанлик даражасининг ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларида фойдаланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар ва тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - олинган илмий натижалар оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари ҳақидаги илмий тасаввурларни тўлдиради ва унда кўрсатилган муаммо ҳамда уни ечиш учун таклиф этилган ёндашув оила психологияси, этнопсихология, ижтимоий психология, дин психологияси, шахс психологияси фан соҳаларига оид мавжуд назарий билимларни янада бойитишда, соҳасидаги илмий изланишлар хусусан, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш соҳасида илмий изланишларни ривожлантириш бўйича истиқболли йўналишларни очиб беради ва хулоса ҳамда тавсиялардан жамоат ва давлат ташкилотлари, хусусан, маҳалла кўмиталари фаолиятида оила институтини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда, никоҳ-оила муносабатлари заминида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишда оилага психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятида, оилашунос мутахассисларни тайёрлаш курслари учун дарсликлар, ўқув ва илмий-услубий қўлланмалар яратишда назарий манба сифатида, оилага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш ҳамда оила сиёсати бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ва зарур кўрсатмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

оила мустаҳкамлигини таъминлашда шахснинг янги ижтимоий муҳитга мослашиши билан боғлиқ ролларга идентификациясини эмоционал муносабатлардаги симпатия хиссини кучайиши асосида барқарорлашувига мувофиқ, никоҳга психологик етуклик даражасини белгиловчи ижтимоий-психологик омилларнинг ўрни муҳим эканлиги далилланганлигига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг ПМ-12-сон буйруғи асосан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 5 майдаги П-М-12-м-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси психологларда оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари юзасидан муайян тушунча ва маълумотларининг ошиши таъминланган;

оила мустаҳкамлигини таъминлашга оилаларнинг уюшганлик ва шахслараро муносабатларнинг эгилувчанлик даражасини таъсири натижасида шахсдаги «идеал мен» ва «реал мен» ўртасидаги мутаносибликнинг эмоционал муносабатлар орқали интегратив намоён бўлишига кўра, ёш эр-хотинларда рашк хиссининг юқори даражада ифодаланиши далилланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг ПМ-12-сон буйруғи асосан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 5 майдаги П-М-12-м-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психолог мутахассисларни оила психологияси йўналишида ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатдан узвийлиги кучайтирилган;

оилавий кадриятларнинг оила мустаҳкамлигини таъминлашга бевосита таъсири натижасида эр-хотиннинг ўзаро муносабатларидаги кадриятлар трансформациясини ижтимоий фаоллик даражасини ортишига адаптив интеграциясига мувофиқ, эр-хотин дунёқарашининг бирлиги (қарашлар, фикрлар, қизиқишлар, идеаллар, кадриятлар йўналиши) ижтимоий-этник асоси эканлиги далилланганлигига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг ПМ-12-сон буйруғи асосан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021

йил 5 майдаги ПМ-12-м-сон маълумотномаси). Натижада, амалиётчи психологларнинг оилага психологик хизмат кўрсатишга тайёрланувчи психолог мутахассислар касбий компетентлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

оила қуриш мотивларининг дифференциал намоён бўлишига кўра, оилада ота-она ва болаларнинг ижтимоий психологик мавқелари ва уюшганлик даражасини оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларини реалликка яқинлаштириш орқали ошириш, эр-хотин мақомининг тўғри англанилишига олиб келишига асосланиб, ижтимоий фаоллик хусусиятларининг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрни далилланганлигига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг ПМ-12-сон буйруғи асосан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 5 майдаги ПМ-12-м-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психолог мутахассисларни оила психологияси йўналишида ўқитишнинг назарий ва амалий имкониятлари оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та республика ва 2 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (шундан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Оила мустаҳкамлигини таъминлаш – ижтимоий-психологик муаммо сифатида**» деб номланади. Ушбу бобнинг «Ўзбек никоҳ-оила муносабатлари ва унинг ижтимоий-психологик, этнопсихологик талқини» деб аталган параграфида оила ва оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ижтимоий-психологик омилларнинг илмий-назарий ва методологик асослари ва Шарқ мутафаккирларининг асарларида оила ва никоҳ муносабатлари, эр-хотиннинг

оиладаги вазифалари, фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли, оилани мустаҳкамлашда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатга доир қарашлари таҳлил қилиниб, бугунги кунда бутун дунё ва юртимиз олимлари томонидан мутафаккирларнинг қарашлари ва ғояларига асосланган ҳолда бутун дунё ва юртимизда бир қатор илмий-тадқиқот ишлар олиб борилаётганлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Мазкур бобнинг «Никоҳ-оила муносабатлари мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик мезонлари» деб, номланган параграфда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳозирги глобаллашув даврининг муҳим ва масъулиятли вазифалардан бирига айланиб бораётганлиги, ёшларни мустаҳкам оилавий ҳаётга тайёрлашда - оила-никоҳ муносабатларини эъзозлаш ва кадрлаш, оилада бурч масъулияти ва ҳоказоларга тайёрлашнинг муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақидаги илмий маълумотлар таҳлил қилинади.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари**» деб номланган бўлиб, унда оилавий муносабатларда шахс мослашувчанлиги хусусиятининг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрни, оилада ота-она ва болалар ижтимоий психологик мавқеларининг оила мустаҳкамлигига таъсири, ўсмирлик ёшидаги қизларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири масалаланинг эмпирик тадқиқотлар асосидаги психологик таҳлили баён этилади.

Тадқиқотимизда оилада ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг оила мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш мақсадида Э. Эйдемиллер, И. Добряков, И. Никольскаялар томонидан мослаштирилган ва қайта ишлаб чиқилган «Оилавий муносабатларнинг эгилувчанлиги ва уюшганлигини диагностика қилиш» деб номланган методиканинг вариантдан фойдаландик. Ушбу тест ёрдамида қўлга киритилган натижалар ота-оналар (N=170) ва соғлом муҳитли (N=160), носоғлом муҳитли (N=130) оилалардаги ёшлар мисолида таҳлил этилди.

Ўрганилган оилаларда уюшганлик даражасини ўрганиш бўйича олинган натижаларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, синалувчи қизларда уюшмаганлик 36,2 фоиз, тарқоқлик 25,5 фоизни ташкил этган бўлса, эгилувчанлик хусусиятига кўра, энг юқори кўрсаткични Тартибсизлик (хаотик) 32,5 фоиз ва эгилувчанлик 26,2 фоизни кўрсатди. Бу шундан далолат берадики, оилаларда уюшганлик даражаси қанчалик паст ва эгилувчанлик даражаси юқори бўлса, бундай ҳолат оилаларда ўзаро соғлом муносабат ва оила мустаҳкамлиги даражасининг пастлигига сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади. Шунингдек, олинган натижалардан маълум бўлишича, оилада ота-оналарнинг маълум қисмида ўз оиласида фарзандлар билан ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасида уюшган тарзда турмуш кечириш ва ўзаро муносабатларнинг биров эгилувчанлик ҳолати мавжудлиги кузатилади. Масалан, эгилувчанлик ҳолати оталар жавобларида 26,2, оналар жавоблари бўйича эса 24,3 фоизни кўрсатди. Лекин, синалувчиларда уюшмаганлик (26,6-24,2), тарқоқлик (23,4-22,6), ўзаро муносабатлардаги тартибсизлик (32,5-33,5) ҳолатлари ҳам кўзга ташланди.

Эмпирик натижаларнинг умумий кўрсаткичлар бўйича таҳлиliga мувофиқ уларнинг ўзаро ички муносабатларини К.Пирсоннинг корреляцион таҳлил усули орқали ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада оилавий муносабатларга

мослашувчанликнинг оила мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш учун қўлланилган методикалар кўрсаткичлари бўйича корреляцион таҳлилни амалга оширдик.

Агар оиладаги ота-она муносабатида ота томонидан «ҳиссий яқинлик» етарлича ташкил этилганда «оилавий муносабат чегараси» ($r=0,618$, $p\leq 0,05$) «биргаликда вақтни» ($r=0,295$, $p\leq 0,01$) мароқли ўтказиш, «умумий дўстлар» билан биргаликда бўлиш ($r=0,475$, $p\leq 0,01$)ни ижобий кўриниш олишга сабаб бўлар экан. Умумий кўрсаткичларга мос тарзда отанинг оиладаги қарор қабул қилиш ўрни ва аҳамиятини билиш зарур бўлар экан ($r=-0,412$, $p\leq 0,01$). Ўзбек этносида отанинг оилавий қарорлар қабул қилишдаги ўрнини тўғри белгиламасдан туриб оилавий муносабатларда мосликни таъминлаб бўлмаслиги табиий (1-жадвал).

1-жадвал

Оталарнинг оилада уюшганлик мезонлари бўйича корреляция кўрсаткичлари (оталарда: N=80)

| | Ҳиссий яқинлик | Оилавий муносабат чегараси | Қарорлар қабул қилиш | Биргаликдаги вақт | Умумий дўстлар | Қизиқишлар ва бўш вақт |
|----------------------------|----------------|----------------------------|----------------------|-------------------|----------------|------------------------|
| Ҳиссий яқинлик | 1 | 0,618** | -0,412** | 0,295** | 0,475** | -0,116 |
| Оилавий муносабат чегараси | | 1 | -0,193 | 0,115 | 0,525** | -0,141 |
| Қарорлар қабул қилиш | | | 1 | 0,220* | 0,443** | -0,030 |
| Биргаликдаги вақт | | | | 1 | -0,027 | 0,571** |
| Умумий дўстлар | | | | | 1 | -0,377** |
| Қизиқишлар ва бўш вақт | | | | | | 1 |

Изоҳ: * $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$

Отанинг «Оилавий муносабат чегараси» ни таъминлашдаги ота муносабатининг ўсиши ҳисобида «умумий дўстлар» билан муносабатнинг кучайтиришга олиб келар экан ($r=0,522$, $p\leq 0,01$). Ўз навбатида оила аъзолари ва фарзандларга ҳам бошқа оилалар билан дўстона муносабатларнинг барқарор ва давомли бўлишида отанинг ўрни юқори эканлигини унутмасликка ўргатиш керак. Бу ўзбек оиласи этнопсихологиясининг ўзига хос хусусияти ва узоқ тарихий даврларда давом этиб келаётган анъаналар ҳисобланади.

Отанинг «Оилавий муносабат чегараси» ни таъминлашдаги ота муносабатининг ўсиши ҳисобида «умумий дўстлар» билан муносабатнинг кучайтиришга олиб келар экан ($r=0,522$, $p\leq 0,01$). Ўз навбатида оила аъзолари ва фарзандларга ҳам бошқа оилалар билан дўстона муносабатларнинг барқарор ва давомли бўлишида отанинг ўрни юқори эканлигини унутмасликка ўргатиш керак. Бу ўзбек оиласи этнопсихологиясининг ўзига хос хусусияти ва узоқ тарихий даврларда давом этиб келаётган анъаналар ҳисобланади.

Оилада она томонидан уюшганлик бўйича «ҳиссий яқинлик» нинг етарлича таъминланиши «биргаликда вақтни» ($r=0,512$, $p\leq 0,01$) ва «умумий дўстлар» билан биргаликда бўлиш ($r=0,645$, $p\leq 0,01$)ни кўнгилдагидек бўлишига хизмат қилар экан (2-жадвал). Ушбу ҳолат отанинг бу борадаги муносабатлари билан уйғунлашганда янада яхшироқ кўриниш олади.

Оиладаги аёлнинг оқилалиги оилавий муносабат чегарасида аёл ва эркекни ўрнини фарқлаш билан белгиланади. Бу эса «қарор қабул қилиш» да янглишмаслик ($r=0,316$, $p\leq 0,01$), оиладаги ҳамжиҳатликни таъминлайди ($r=0,394$, $p\leq 0,01$) ва бошқа оилалар билан дўстлик ришталарни мустаҳкамлайди ($r=0,388$, $p\leq 0,01$) қолаверса, бундай ҳолат оила мустаҳкамлигини таъминлашга сабаб бўлар экан деган хулосани беради.

2-жадвал

Оналарнинг оилада уюшганлик мезонлари даражаси бўйича корреляция кўрсаткичлари (оналарда: N=90)

| | Ҳиссий яқинлик | Оилавий муносабат чегараси | Қарорлар қабул қилиш | Биргаликдаги вақт | Умумий дўстлар | Қизиқишлар ва бўш вақт |
|----------------------------|----------------|----------------------------|----------------------|-------------------|----------------|------------------------|
| Ҳиссий яқинлик | 1 | -0,114 | 0,106 | 0,512** | 0,645** | -0,093 |
| Оилавий муносабат чегараси | | 1 | 0,316** | 0,394** | 0,388** | -0,143 |
| Қарорлар қабул қилиш | | | 1 | -0,213* | -0,132 | -0,311** |
| Биргаликдаги вақт | | | | 1 | 0,720** | 0,279** |
| Умумий дўстлар | | | | | 1 | -0,011 |
| Қизиқишлар ва бўш вақт | | | | | | 1 |

Изоҳ: * $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$

Тадқиқотимизда «Оилавий муносабатларнинг эгилувчанлиги ва уюшганлигини диагностика қилиш» методикасининг ўсмирлар учун мулжалланган Б.варианти бўйича олинган натижаларга кўра, «Оиламиз учун бирлик, ҳамжиҳатлик ўта муҳим бўлиши керак» (11,8), «Бегоналардан кўра, оиламиз аъзолари ўзаро яқин, ҳамжиҳат бўлса эди» (11,6), «Бирор муаммо муҳокама қилинаётганда боланинг фикри ҳам инобатга олинса эди» (10,3), «Оиламиз аъзолари ўзаро жуда яқин эканлигимизни ҳамиша ҳис қилишимиз керак» (10,2), «Оиламда ҳамма бир-бирига ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлар эди» (7,2) савол вариантларига берилган жавоблар энг юқори даражани намоён қилди.

Бу ҳолат ҳатто фарзандларнинг оилавий муносабаларда уюшганлик мезонлари бўйича корреляцияларда ҳам акс этди. Фарзандларнинг ота-она билан ёки фарзандлар ўртасидаги ҳиссий яқинликка эришишлари уларнинг «оилавий муносабат чегараси» ни тўлиқ ҳисобга олишларига хизмат қилар экан ($r=0,502$, $p\leq 0,01$) (3жадвал). Бу эса замонавий фарзандларнинг оила аъзоларига содиқ қолаётганликларидан ишора дейиш мумкин.

**Оилада фарзандларнинг уюшганлик мезонлари бўйича натижалари
кўрсаткичи (Йигитлар ва қизлар бўйича, умумий кўрсаткич: N=290)**

| | Ҳиссий яқинлик | Оилавий муносабат чегараси | Қарорлар қабул қилиш | Биргаликда- ги вақт | Умумий дўстлар | Қизиқишлар ва бўш вақт |
|----------------------------|-------------------|----------------------------------|-------------------------|------------------------|-------------------|---------------------------|
| Ҳиссий яқинлик | 1 | 0,502** | 0,034 | -0,097 | -0,131 | 0,034 |
| Оилавий муносабат чегараси | | 1 | 0,498** | 0,295** | -0,184 | 0,498** |
| Қарорлар қабул қилиш | | | 1 | 0,974** | 0,495** | 0,620** |
| Биргаликдаги вақт | | | | 1 | 0,591** | 0,974** |
| Умумий дўстлар | | | | | 1 | 0,495** |
| Қизиқишлар ва бўш вақт | | | | | | 1 |

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

«Оилавий муносабат чегараси» даги фарзандларнинг ўз ўринларини фарқлай олишлари эса оилавий ва шахсий масалаларда «қарор қабул қилиш» ни ижобий бўлиши ($r=0,498$, $p \leq 0,01$), оилада «биргаликда вақт» чуқур таассуротларга бой бўлиши ($r=0,295$, $p \leq 0,01$), «қизиқишлар ва бўш вақт» борасида ($r=0,498$, $p \leq 0,01$) муаммоларга дуч келмасликларидан далолат бермоқда.

Оилада ўғил ва қизларнинг оилавий қарор қабул қилишдаги иштироки ҳам анъалар ва оиланинг ички меъёрларига мувофиқ ташкиллаштирилиши ҳисобида эса «биргаликда вақтни» ($r=0,720$, $p \leq 0,01$) яхшт ўтказиш, «умумий дўстлар» билан биргаликда бўлиш ($r=0,517$, $p \leq 0,01$)ни ва «қизиқишлар ва бўш вақт» ($r=0,974$, $p \leq 0,01$)ни ўтказишда ота-онаси ихтиёр этган фарзандлик хусусиятларини намоён қилганлар.

Тадқиқот ва кузатишларимиз натижаларидан маълум бўлишича, оила мустаҳкамлигини таъминловчи ижтимоий-психологик омиллар сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтишимиз мумкин:

оилада эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари, айниқса, ёш ўзбек оиласида унинг этник, ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ёш келин ва куёвнинг янги ижтимоий шароитларга мослашиши жараёни билан боғлиқ қийинчиликларни енгиб ўтиш;

турмуш қурган аёлларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввурнинг шаклланганлиги оқибатида улар ўз тасавуридаги қайнонага хос бўлган камчилик ва иллатларни ҳаётдаги қайнонадан ахтара бошлашлари, айрим келинларнинг келинлик ва оналик вазифаларини бажаришга тайёр бўлмаслиги, қайнона келиннинг ёш хусусиятларини, қизиқишини, орзу-хавасларини, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмасликлари;

келин-куёв ота-оналарининг иқтисодий, моддий, ижтимоий савияси орасидаги тафовутнинг мавжудлиги, куёв маълумотли, маданиятли оиладан

бўлиб, келин аксинча деҳхон, ишчи ёки савдогар оиладан бўлиши, ёки эр-хотиндан бири шаҳардан, иккинчиси қишлоқдан бўлиши каби ижтимоий-маданий тафовутларнинг мутаносибчилиги;

Ўзбек оилаларига хос бўлган «турмуш ўртоғининг қўполлиги», «турмуш ўртоғига нисбатан ноинсоний муносабатда бўлиш», «оилалар ва айниқса, ёш оилалар оиласига турмуш ўртоғининг ота-онаси ва бошқа қариндошларининг аралашуви», «турмуш ўртоқлардан бирининг оиланинг қадриятларига бефарқ қараши» қабилар оила мустаҳкамлигининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

оиланинг мустаҳкамлиги никоҳ олди омиллари сифатида оилавий ҳаётга етуқлиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бирбирини танишлиги) шартлари ва шароитлари; уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурларининг мутаносибчилиги;


ёшларнинг оилавий ҳаёт, жинсий ҳаёт психологияси ҳақидаги билимларга эга бўлиши ва фуқаролик, касб-хунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етуқлик даражаси яъни, шахснинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олиши, оилавий муносабатларга хушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш, ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олиш;

никоҳ қурилишига асос бўлган никоҳ мотивлари: стереотип бўйича оила қуриш; мотив моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуриш; ёшларни оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганликлари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб оила қуриш; ёшларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оила мустаҳкамлигининг асосларидан бири эканлиги;

ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг қай тарзда ривожланиши аввало шу ёш оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ олди омилларининг характерига, шу оилаларнинг юзага келиш шарт-шароитлари билан узвий боғлиқлиги ва бошқалар.


Ишнинг «Оилада ўзаро қўллаб-қувватлашнинг оила мустаҳкамлигига таъсири ўрганиш натижалари» деб, номланган иккинчи бобнинг 2.2 - параграфида оилада ота-она ва болаларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашларининг оила мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш мақсадида дастлаб америкалик психологлар Д.Краун ва Д.Марлоулар томонидан ишлаб чиқилган «Қўллаб-қувватланишга нисбатан мотивацияни ўрганиш» тести шкаласини ўзимиз томонимиздан маҳаллий муҳитга мослаштирилган вариантдан фойдаландик.

Олинган натижалардан маълум бўладики, соғлом муҳитли оила қизларининг 48,4 фоизи ўртача кўрсаткичга, носоғлом муҳитли оила қизларининг 40,9 фоизи паст кўрсаткичларда қўллаб-қувватлашга нисбатан мотивацияларини кўрсатган бўлса, соғлом ва носоғлом муҳитли оила йигитларининг юқори кўрсаткичлар борасидаги установакаларида ҳам фарқлилик даражалари кузатилди (43,3 ва 40,2) (1-расм).



1-расм. Соғлом муҳитли оилаларда қизларда қўллаб-қувватлаш мотивациясининг ўртача кўрсаткичлари (N=155)

Рақамлардан кўришиб турибдики, соғлом муҳитли ва носоғлом муҳитли оиладаги йигит ва қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватловга нисбатан мотивациясида ўзига хос фарқлилик кўрсаткичлари намоён бўлди.




2-расм. Ўғил болаларда қўллаб-қувватлашга нисбатан мотивациянинг ўртача кўрсаткичлари (N=135)

Тадқиқотимизда оилалардаги йигит ва қизларда қўллаб-қувватлашга мотивациясини ўрганиш натижаларига асосан қуйидагиларни қайд этиш мумкин. Биринчидан, қандай оила бўлишидан қатъий назар, йигитлар қизларга нисбатан айнан ўсмирлик ёшида ўзгалар томонидан қўллаб-қувватланишга кучлироқ эҳтиёж сезади, чунки бу даврда ўзига хос «катталиқ ҳисси» пайдо бўлишига қарамай, улар ўзгаларнинг психологик мададига муҳтожроқдир. Лекин бу ҳолат кўпроқ нотўлиқ оила йигитларига хос эканлигини ҳам эътироф этиш лозим. Чунки носоғлом оиладаги қизлар ва йигитлар маълумотларига эътибор берсак, юқори балл олган қизларнинг (20,7 балл) 48,4 фоизи ва ўғил болаларнинг 46,5 фоизи юқори балл (19,6 б.) тўплаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, носоғлом муҳитли оилаларда тарбияланаётган йигитлар ўз хато ва камчиликларини яширишда ота-она унга суянч ва таянч бўлишни ниёт қилгани билан ўзгаларнинг қўллаб-қувватловига кўпроқ муҳтожлигини намоён қилганлар. Иккинчидан, ўртача кўрсаткичларда қўллаб-қувватловга муҳтожликни намоён этганлар умумий танловда аксариятни ташкил этишига қарамай (35,8%), бу борада ҳам носоғлом муҳитли оила вакиллари бўлган йигитларнинг кўрсаткичлари ҳамманикидан юқорироқ (45,2%). Демак, бу ҳолат ҳам яна бир маротаба носоғлом муҳитли оиладаги ўсмир ўғил болаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватловга бошқаларга нисбатан кўпроқ эҳтиёж сезишини исботлаб турибди. Учинчидан, қизлар ҳақида фикр юритиладиган бўлса, икки тоифа оила вакилаларида сезиларли фарқлар кўзга ташланганлиги носоғлом

муҳитли оила қизлари ижтимоий қўллаб-қувватловга кўпроқ муҳтож эканлиги кўринади. Масалан, бу тоифа қизларнинг фақат 15,8 фоизигина паст кўрсаткичдаги мотивацияни намоён қилган, уларнинг тенгқурларида эса бундай мотивация 40,9 фоизни ташкил этган. Бундай ҳолат носоғлом муҳитли оила вакиласи бўлмиш қизларнинг кўпроқ мустақилликка интилиши ва намоён этишининг белгисидир, деб хулоса қилишга асос беради.


Диссертация иккинчи бобининг «Ёшлар ва ота-оналарда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг оила мустаҳкамлигига таъсирини эмпирик ўрганиш натижалари» номли 2.3-параграфида, ўзбек ёшлари ва ота-онларида оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларининг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрнини ўрганиш мақсадида Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 155 нафар респондентларда «Қизларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш» номли ижтимоий-психологик сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижаларига кўра, қизларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир этувчи никоҳ олди омилларидан бири сифатида намоён бўлди. Уларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош гарови эканлигини кўрсатди. Респондентларнинг «Аёл ва эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайсизми?» деган саволга берилган жавоблардан кўринадик, қизларнинг бўлажак турмуш ўртоқ ҳақидаги тасаввурларига кўра, уларнинг 40,4 фоизи «оилада эркак доимо устун бўлиши керак», 30,2 фоизи эса «тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайман» ҳамда «Сизнингча турмуш ўртоқ оилада ким?» таъкидига 34,0 фоиз қизлар «оила бошлиғи, оиланинг муҳим қарорларини қабул қилади» ва 27 фоизи «дўст, менинг ҳамма фикрларимни тушунади» деган жавобларни беришганлиги маълум бўлди.



3-расм. Респондентларнинг «Аёл билан эркакни оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли деб, ҳисоблайсизми?» саволига берган жавоблари кўрсаткичлари (N=290)

Ушбу кўрсаткичлар ўзбек қизларининг оилада эркакнинг мавқеи ҳақидаги тасаввурларида миллий қадриятларимизнинг таъсири устунлик қилишини кўрсатади. Респондент қизлар тасаввурларида эркаклик мақоми оилада устун бўлиши керак эканлиги, оиланинг муҳим қарорларини эркаклар қабул қилиши кераклиги ҳақидаги фикрлари устун бўлишини кўрсатади.



4-расм. Респондентларнинг «Сизнингча турмуш ўртоқ оилада ким?» номли саволган берган жавоблари кўрсаткичи (N=290)

«Эр-хотинлар бир-бирлари билан қанча кам мулоқот қилсалар шунча низолар кам бўлади» деган таъкид билан муурожаат этилганда, бу таъкидни нотўғри деб ҳисоблайдиган қизлар 43 фоизни, тўғри ва ҳақиқатга яқин томони ҳам бор деб билувчилар эса 57 фоизни кўрсатди. Қизлар томонидан берилган бундай жавоблар уларнинг тасаввурлари бўйича эр-хотин муносабатида мулоқот қилиш ва оилада соғлом муҳит ярата олиш масаласида хавотирланиш борлигини кўрсатади.

Юқоридаги кўрсаткичларга кўра, респондент қизларнинг оилавий ҳаётда эр-хотин муносабатларидаги низоли вазиятларни енгиб ўтишда ўзларига нисбатан ишончлари даражаси паст эканлиги кузатилади. Шунинг учун қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга оиладаги соғлом муҳитни яратишда эр-хотин муносабатларининг ўрни, эр-хотин муносабатларида низоли вазиятлар ва уларнинг олдини олиш малакаларини, сабр-тоқат, ирода бир-бирини тушуниш, меҳр ва садоқатли бўла олиш хислатларини ривожлантириш талаб этилади.

Тадқиқотимизнинг III-бобининг «**Оилавий кадриятларнинг оила мустаҳкамлигига таъсирини эмпирик ўрганиш натижалари**» номли параграфида оила кадриятларига ўсмирлик ёшидаги болалар ва ота оналарнинг муносабатини ўрганиш учун уларни кенгроқ ижтимоий муҳит доирасида ўрганиш ва бунинг учун биз Рокич томонидан таклиф этилган кадриятларни ўрганиш методикасининг ўзбек тилига ўгирилган «Кадриятлар ориентацияси» тести вариантдан фойдаландик.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, СПМО гуруҳ қизларида келажакда аҳамиятли бўлган кадриятлардан бири «бахтли оилавий ҳаёт ва саломатлик» кадрияти 78,9 га, НСПМО гуруҳи қизларида эса 51,0 коэффицентни ташкил қилди. «моддий таъминланганлик» кадрияти СПМОда 25,6 га, НСПМОда 81,6 га тенг бўлди. «жушқин ҳаёт» СПМО да 58,9, НСПМОда 61,2 га тенг. Қолган кадриятлар борасида иккала гуруҳ тасаввурларида муайян фарқлар кузатилди Масалан, «жўшқин ҳаёт» кадрияти СПМО вакилаларида 58,9, НСПМО вакилаларида 45,4 ташкил этди. СПМО қизлари учун истикболда жўшқин, сермазмун ҳаёт кечириш ёки касби борасида омадли бўлиш кадрланса,

НСПМО оила вакилаларига «жўшқин ҳаёт» дан кўра «моддий таъминланганлик» (81,6), «тажрибалилик» (59,0) аҳамиятлироқ эканлиги намоён бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

СПМО ва НСПМО вакиллари бўлган ўсмир ёшидаги қизларнинг ҳаётий кадриятлари (А блок) баҳолаш натижалари (N=155)

| Қадриятлар | СПМО қизлари (N= 90) | | Қадриятлар | НСПМО қизлари (N= 70) | |
|--------------------------------|----------------------|-------|------------------------|-----------------------|-------|
| | Абс. | коэф. | | Абс. | коэф. |
| Бахтли оилавий ҳаёт | 74 | 78,9 | Моддий таъминланганлик | 76 | 81,6 |
| Жўшқин ҳаёт | 53 | 58,9 | Тажрибалилик | 70 | 59,0 |
| Муҳаббат | 51 | 52,4 | Мустақиллик | 49 | 56,4 |
| Жамиятда яхши ўринга эга бўлиш | 31 | 34,4 | Бахтли оилавий ҳаёт | 43 | 51,0 |
| Касбий омад | 37 | 38,6 | Касбий омад | 44 | 50,2 |
| Кенг тафаккур | 33 | 36,7 | Маънавий камолот | 43 | 48,8 |
| Саломатлик | 32 | 35,6 | Саломатлик | 40 | 47,0 |
| Мустақиллик | 25 | 27,8 | Жўшқин ҳаёт | 42 | 45,4 |
| Моддий таъминланганлик | 23 | 25,6 | Кексалик хузр-ҳаловати | 30 | 36,1 |
| Эркинлик | 17 | 18,9 | Яқинларнинг бахти | 33 | 37,4 |

Изоҳ: СПМО – соғлом психологик муҳитли оила; НСПМО – носоғлом психологик муҳитли оила

Юқоридагилардан кўринадикки, СПМО ва НСПМО қизларида ҳаётий кадриятлари бир биридан фарқланади. Бу улар вояга етаётган оилаларнинг психологик муҳитига, никоҳ оила муносабатлари тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларнинг етарли эмаслиги, оилага соғлом муносабатнинг мавжуд эмаслиги далолат беради. Шундан келиб чиқиб, НСПМО вакилаларини оилавий муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар билан қуроллантириш талаб этилади ҳамда бу борада кенгроқ тушунтириш ишларини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

